

Ishonch

2019 йил 23 декабрь • душанба • № 155 (4284)

Ўзбекистон қасаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан

Янги Ўзбекистон – янги сайловлар

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда Мирзо Улуғбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз беришда иштирок этди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Сайловда бешта – Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси иштирок этди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа «Янги

Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ортган шароитда ҳамда янги сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказилди.

Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Сайловга оид 21 қонун тизимлаштирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Квота белгилаш институти бекор қилинди. Бешта сиёсий партияга, жумладан, янги Ўзбекистон Экологик партиясига соғлом рақобат қилиши учун тенг шарт-шароит яратилди. Сиёсий партияларнинг сайловда очиқ мунозаралари жонли эфирда ёритилди. Уларда жамиятимизни ўйлантираётган ўткир масалалар муҳокама қилинди.

Охириги йиллардаги очкилик, демократик янгиланишлар натижасида жамиятимиз ҳам ўзгарди. Бу сайлов жараёнида ҳам яққол намоён бўлди. Фуқаролар ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан сайлов участкаларига келиб, келажақ учун овоз берди.

Давлатимиз раҳбари 162-сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди, биргаликда суратга тушди. Биринчи марта овоз берган ёшлар, ота-онаси билан келган

болаларнинг ўқишларига ривож тилади.

Нуронийлар мамлакатимизга тинчлик-фаровонлик, Президентимизга соғлик-омонлик тилаб дуолар қилди.

Барча сайлов участкаларида қонунчилигимизда белгиланган шароитлар яратилди. Жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 315 та, жумладан, 38 мамлакатда 55 та сайлов участкаси ташкил этилди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ўта оғир жиноятларни содир этмаган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов жараёнини кузатишда МДХ, ШХТ, ЕТБ, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси, Туркий кенгаш, ТуркПА, шунингдек, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибиди 700 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчи иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот қилди. Улар сайловлар очиқ, юксак савияда ўтаётганини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини таъкидлади.

ЎЗА



2019 йил 22 декабрь куни мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу галги тадбирлар «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида ўтказилди.

2»

Билиб қўйган яхши Янги йил байрамида неча кун дам оламиз?

Президентимизнинг 2019 йил 14 ноябрдаги «2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» Фармони мувофиқ, янги йил байрами арафасида ховимларнинг куйидагича дам олиниши белгиланган.

Хафтасига 5 кун ишловчи ховимлар:

- 31 декабрь – сешанба;
- 1 январь – chorshanba;
- 2 январь – пайшанба кунлари дам олади.

(2019 йилнинг 28 декабрь (шанба) ҳамда 2020 йилнинг 4 январь (шанба) кунлари хафтасига 5 кун ишловчилар учун расман иш кунли бўлади).

Хафтасига 6 кун ишловчи ховимлар:

- 1 январь – chorshanba;
- 2 январь – пайшанба кунлари дам олади.

(Хафтасига 6 кун ишловчилар учун жорий йилнинг 30 ва 31 декабрь кунлари расман иш кунли бўлади).

Бюджет ташкилотларида ишловчилар учун белгиланган қўшимча дам олиш кунли ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини бир иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади.

Шунингдек, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунли қўшилади.



Олмалик кон-металлургия комбинати: ТАРАҚҚИЁТНИНГ РАНГИН ЖИЛОЛАРИ

Комбинат жамоаси бугун ўз олдиго нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига муҳим ҳисса қўйиш вазифасини қўйган, балки ишчи-ходимлар фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқариш фахрийларини қўллаб-қувватлаш, Олмалик шаҳрини ободонлаштириш, ҳудуддаги аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун керакли шарт-шароитларни яратишдек улкан мақсадларни кўзлаган. Зеро, давр одамларни эртага эмас, бугун рози қилишга эришиш вазифасини қўйётган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ХАБАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган пул бирлигининг деноминация қилиниши тўғрисидаги хабарлар борасида қуйидагиларни маълум қилади:

Ушбу хабарлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Бугунги кунда пул бирлигини деноминация қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Марказий банки томонидан кўзда тутилмаган.

t.me/centralbankuzb

Таълим

Россиялик академик Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори бўлди



Россия Федерациясининг таълим ва фан қўмитаси раҳбарининг биринчи ўринбосари, Россия Федерацияси фанлар академияси академиги Геннадий Онищенко Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюрди.

Тошкент тиббиёт академияси талаба ва ўқитувчилари Россия Федерациясида хизмат кўрсатган шифокорнинг тиббиётга оид илмий асарларини яхши билади, шу билан бирга, ўтган йили у Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашиб, қатор мавзуларда маъруза қилган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги тиббий таълим ҳамда илм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Геннадий Онищенкога Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори унвони берилди.

Ташриф доирасида олим Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчиларига «Замонавий шароитда биохафсизликни таъминлаш» мавзусида маъруза қилди.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»



Нью-Йоркда 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» махсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда Қозғистон йиллигининг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

21 декабрь куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида «Амирсой» тоғ-чанғи курортининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази, Халқаро пресс-клуб ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан «САЙЛОВ-2019» видеороликлар танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>



Барҳаёт Ҳамза



«Ясама» образлар ёхуд кино ва клиплардаги «ўхшамаган» қиёфалар ҳақида



Низом кучга кирганда: Энди туйлар ўзгарадими?

2019 йил 22 декабрь куни соат 8:00да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлик депутатлигига ўтказилаётган сайловлар старт олди. Эрта тонгдан сайлов участкалари одамлар билан гавжум бўлди.

Сайлов жараёнига оид муҳим ахборотлар Марказий сайлов комиссиянинг Халқаро матбуот марказида кун давомида кичик тадбирлар доирасида бериб борилди. Маълумотларга кўра, сайловчилар сони 20 миллион 495 минг 457 нафар, жумладан, мамлакатимиз бўйича 18 миллион 797 минг 810 нафар, чет элларда 1 миллион 697 минг 647 нафарни ташкил этди.

Сайловларни 70 дан орტიқ хорижий оммавий ахборот воситаларининг 135 нафар, шунингдек, республика миқёсида 238 нафар ва мамлакат ҳудудларида 800 га яқин маҳаллий журналист фаол ёритди. Сайловларни 10 та нуфузли халқаро ташкилот ва 50 дан орტიқ давлатдан келган 825 нафар халқаро кузатувчи кузатиб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 15 ноябрдаги қарорига мувофиқ сиёсий партиялардан 750 нафар Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинган эди, — деди

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо Улугбек Абдусаломов. — 21 декабрь кунига қадар

ишчи гуруҳи ташкил этилди. Хориждаги фуқароларимиздан 89807 нафари 12 декабрдан 18 декабргача мuddатидан олдин сайловда қатнашиб, парламент номзодларига овоз берди. Шу кунга қадар сайлов участкаларида баъзи бир қонунбу-

ятларига (1 тадан) тўғри келди. Мурожатларнинг 30 таси бевосита фуқаролардан, шу жумладан, 9 таси сайловда иштирок этаётган номзодлардан ҳамда 35 таси давлат органлари ва муассасалар, хусусан, Марказий сайлов комиссиясидан келиб тушди.

Ўйдошли алоқа тизими орқали Интернет тармоғига уланди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати билан ишлаши учун 6 720 та сайлов округи ва 10 260 та сайлов участкаси Интернет тармоғига уланди.

Тошкент шаҳрида жойлашган Халқаро матбуот марказида 22 декабрь куни соат 21:00да якуний матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов қайд этдики, сайловда сайловчиларнинг 18 миллион 797 минг 810 нафаридан 13 миллион 355 минг 911 нафари (71,1 фоизи) иштирок этди.

Сайлов кодексига мувофиқ, сайловда 33 фоииз сайловчи иштирок этса, сайлов бўлиб ўтган ҳисобланади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда сайлов муваффақиятли ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлик депутатлигига сайловларнинг дастлабки натижалари 23 декабрь куни бўлиб ўтаётган матбуот анжуманида эълон қилиниши кутилмоқда.

Озода РЎЗИҚУЛОВА, «ISHONCH»

Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун овозлар

шулардан 6 нафари ўз ихтиёри билан берган аризасига биноан номзодлар рўйхатидан чиқарилди ва бугун ушбу рўйхатда 744 нафар номзод мавжуд.

Сайлов жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай тартиббузарликларнинг олдини олиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида 53 минг нафарга яқин ҳуқуқ-тартибот ходими ва жамоатчилик вакили жалб этилди, — деди ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов. — Ўй ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида 600 дан зиёд йўл-патруль хизмати экипажлари жалб этилди. Қолаверса, республика бўйича 18 мингдан ошиб

зилишларга йўл қўйилаётгани тўғрисида хабарлар келди. Хусусан, бир сайловчи томонидан 2 ёки 3 нафар сайловчи ўрнига бюллетень берилган, сайлов олди ташвиқоти олиб борилгани, оилавий овоз бериш ҳолатларига йўл қўйилгани ҳақида мурожаатлар бўлди.

Бугунги кунга қадар прокуратура органлари сайлов масаласида фуқароларимиз, жумладан, сайловчилар ҳамда номзодлардан 65 та мурожаат келиб тушди, — деди Бош прокурор Ниятилла Йўлдошев. — Энг кўп мурожаат Сурхондарё вилоятига (24 та) та, энг кам мурожаат Жиззах, Навоий ва Самарқанд вило-

Уларнинг 12 тасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, 53 тасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлирига ўтказилаётган сайловларга боғлиқ масалалар акс этган.

Синов тариқасида сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш учун ҳудудларда танлаб олинган 60 та сайлов участкасида 120 та видеокузатув камераси ўрнатилди ва сайловлар жараёнини тўғридан-тўғри кузатиш имкони яратилди.

Интернет хизматлари билан таъминлашнинг техник имкони бўлмаган олис ва тоғли ҳудудлардаги 30га яқин сайлов объекти

Сайлов – 2019



Халқаро экспертлар фикри

Сергей Лебедев, МДХ Ижроия қўмитаси кузатувчилар миссияси раҳбари:

Барчаси демократик тамойиллар асосида

МДХ ваколати билан келган кузатувчилар бир ойдан буён Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик ва унинг ўтказилиш жараёни билан атофлича танишди. Ўзбекистонда янги Сайлов кодекси қабул қилинди ва унда халқаро сайлов ҳуқуқининг барча тартиб-қоидалари аксини топди.

Сайлов кампанияси сифатли ташкил этилган. Овоз беришда камчиликлар бўлмади, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришларини таъминлаш учун барча зарур чоралар қўрилган. Бу эса сайлов натижалари халқ кутганидек бўлишини кафолатлайди.



Андре Новак (Германия):

Тайёргарлик ишлари аъло даражада

Жараёнларни кузатган эксперт сифатида сайловга тайёргарлик ишлари жуда яхши ташкил этилган, деб айта оламиз. Сайлов халқаро стандартларга мос тарзда ўтказилмоқда. Халқининг сайловга бефарқ эмаслиги, оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир ҳолат ба-тафсил ёритиб борилаётгани жуда қувонарли. Очиқ ва шаффоқ тарзда ўтаётган сайловда фуқаролар ўзлари танлаган номзодга эркин овоз беришмоқда. Сайлов якунида аниқ ҳулосаларимизни, фикрларимизни айтишимиз мумкин бўлади.



Анвар Маҳмуд Бхатти (Токистон):

Ёшларнинг қизиқиши баланд

Чилонзор туманидаги сайлов округидаги шарт-шароитларни кўриб, мамнун бўлдим. Айниқса, янги биометрик паспортларни идентификация қилиш ва автоматик рўйхатга олиш тизими эътирофга лойиқ. Сайловда ёшларнинг фаоллиги, сайловга бўлган қизиқиши юқорилигининг гувоҳи бўлдим. Чунки сайловчиларнинг орасида ёшларнинг сони жуда кўп. Бу айнан ёшлар келажакда давлатнинг қандай қилиниши бўлишини ҳал қила оладиган кучга айланишини кўрсатади. Сайловларда гендер баланси, яъни аёлларнинг роли катта эканини ҳам алоҳида айтишим лозим. Покистонда аёлларнинг парламентдаги, умуман сиёсатдаги роли нисбатан камроқ. Бу борадаги демократик тамойиллар асосидаги тажрибани Ўзбекистондан ўргансақ бўлади.



Албина Натсаренус-Феттер (Германия):

Ўрганса арзийдиган жиҳатлар бисёр

Сайловчиларга яратилган шароитлар Европа стандартларига жавоб беради. Менга сайлов жараёнининг турли даражада экани ва сайловчиларнинг номзодларга — маҳаллий кенгашилар ва парламент депутатлигига овоз бериш жараёни жуда қизиқ. Бу ҳолат Германияда деярли учрамайди. Германия — федератив республика. Шу боис, биздаги ва Ўзбекистондаги андозалар бир-бирига тушмаслиги мумкин. Ҳозир Ўзбекистон тажрибасини ҳам ўрганмоқдамиз. Балки аслида шу яхшироқдир? Ҳар бир танлов жуда кўп пул ва ресурсларни талаб қилади. Иқтисодий жиҳатдан бу одамлар учун қулайдир.




Евгения Коткова (Россия):

Ахборот олишда қулайликлар кўп

Журналистлар учун пресс-центр жуда яхши ташкил этилган. Зарур ахборотни олиш осон ва қулай. Барча имкониятлар мавжуд. Мен бир неча давлатларда бўлганман ва айтишим мумкинки, Ўзбекистонда сайлов жараёнини ёритиш учун яхши тайёргарлик қўрилган.

«Ishonch» мухбири Аъзам АБУЛҲАЙДОВ ёзиб олди.

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар



Хоразм вилояти

ЕТМИШ ЁШИМДА ИЛК БОР ҚАТНАШДИМ

Ёшим етмишда. Биринчи гуруҳ ногирони бўлганим учун шу ёшимгача бирон марта ҳам сайловларда бевосита қатнашмаганман, ҳеч қачон ҳеч кимга овоз бермаганман. Ҳар доим уйимдан қимдир ҳужжатимни олиб кетиб, мен учун овоз бериб келар эди.

Бу йил телевидорда сайлов ҳақидаги кўрсатувлар, дебатларни томоша қилдим. Сайловлар янги ҳудудга ўтишини, ҳар ким ўзи учун ўзи овоз беришини айтишганида, очинчи, унчалик ишонмаганим.

... Эрталаб дарвозамиз тақиллаб, икки қиз кириб келди. Ўзларини 458- сайлов участкаси аъзоларимиз, деб таништиришди. Сайловларда менинг овозим муҳим эканлигини айтишганида, беихтиёр тўлқинланиб кетдим.

Партияларнинг сайловолди дастури билан танишим туфайли, танловда шундай қолмадим. Биринчи марта қўлимга сайлов арақасини олдим, ўзим муносиб деб билган номзодни маъқуллаб овоз бердим.

Менга конституцион ҳуқуқимдан фойдаланиш имконини яратган давлатимизга минг раҳмат. Бу йилги сайловлар мен каби қанча инсонларга ўзини мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилиш имконини берганидан хурсандман. Бу мамлакатимизда қонун, адолат устуворлиги, инсонпарварликка, халқпарварликка асосланган сиёсат натижасидир.

Қадамбой РАЖАБОВ

Қўшқўлпир тумани «Чаманзор» маҳалласи



Сирдарё вилояти

ТЎЙ – УНУТИЛМАС КҮН... САЙЛОВ ҲАМ МУҲИМ

Инсон ҳаётидаги энг унутилмас кунлардан ҳисобланадиган никоҳ маросими айнан сайлов кунига тўғри келса, нима бўлади? Хусусан, Сирдарё вилоятининг 5 та туман ва шаҳрида ана шундай ҳолат кузатилди.

Фаол ёшлар ўз конституциявий ҳуқуқлари ва фуқаролик бурчларини бажаришга имкон топишди. Келин-куёвлар тўй маросими олдидан сайловларда иштирок этди.

Гулистон шаҳрида жойлашган 18-сай-

лов участкасида Бобуржон Раҳматбоев ҳамда Комила Турсунқулваларнинг никоҳи қонуний қайд этиш тадбири сайёр тартибда ўтказилди. Шундан сўнг, янги оила аъзолари овоз бериш жараёнида иштирок этди.

— Келажакимиз, тақдиримиз шу азиз Ватан билан боғлиқ, — дейди Бобуржон Раҳматбоев. — Қолаверса, эртанги ҳаётимизда бугунги сайловларнинг аҳамияти катта. Шу боис, муҳим жараёнда шахсан иштирок этишни, жараёнларга бефарқ



бўлмасликни истадик. Ўзимиз маъқул кўрган номзодларга овоз бердик.

Сайхунободлик Панжеевлар ҳамда боёвутлик Зиёдовлар оиласи ҳам мустақил ҳаётга қадам қўяётган бир вақтда оиласининг келажаги учун овоз берганларидан мамнун бўлишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

МАҲКУМЛАР ҲАМ САЙЛАШ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНДИ

2019 йил 4 сентябрда қабул қилинган қонунга мувофиқ, Конституциянинг тегишли моддасига ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганига учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга сайлаш ҳуқуқи берилишини назарда тутидиган норма киритилди. Шу муносабат билан қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкинлиги Сайлов кодексига мустақамлаб қўйилди.

Бу галги сайловда мамлакатимиз сайлов қонунчилигида илк марта сайловчилар ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланишини таъминлаш мақсадида ижтимоий ҳаффи юқори бўлмаган, унча оғир жиноятлар содир этмаган маҳкумлар учун сайлов жараёнида иштирок этиш имконияти яратилди.



Андижон вилояти

ИНОБАТХОН АЯ ЎЗ УЙИДА ОВОЗ БЕРДИ



Андижон шаҳрининг «Навбахор» маҳалласида яшовчи 98 ёшли Инобатхон ая Худойбердиева эрта тонгда оила аъзоларини дуо қилиб, сайловга кузатар экан, кўп ўтмай хонадонига маҳалла фаоллари ҳамда 28-сайлов участкаси аъзолари кўчма сайлов қўтиси билан кириб келишди. Инобатхон ая фуқаролик бурчини адо этиш учун яратилган қулайлик ва

этибордан мамнун бўлиб, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашиларга ўзи муносиб деб билган номзодларга овоз берди.

— Сайлов ташвиқоти бошлангандан бери оиламиз билан ҳар кун дастурхон устида шу мавзуда суҳбатлашамиз, бахslashамиз, — дейди у. — Андижон шаҳридан депутатликка номзодини қўйган юрtdошларимиз ҳақида фарзандларимдан эшитдим. Уларнинг сайловдаги учрашувларида нималар ҳақида гап кетгани билан астойдил қизиқдим. Ўйил-қизларим, невараларимнинг кўмағида ҳар бирининг дастури билан танишдим. Чунки бўлажак депутатларнинг режалари неваро-чевараларимнинг тақдирига дахлдор, деб биламан.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

МУНОСАБАТ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРГАН

Қашқадарё вилоятида сайловларга қизиқиш, унда фаол қатнашиш истаги олдингиларига қараганда сезиларли равишда юқори бўлди.

— Тан олиш керак, олдинги сайловларда бир оила бошлиғи бутун бошли хонадон аъзоларининг сайлов таклифномаларини олиб, барчасига бир ўзи овоз бериб келарди, — дейди Косон тумани тиббиёт бирлашмаси касаб



уошма қўмитаси раиси Шоймурод Эргашев. — Бу галги сайловолди тадбирлари аҳолининг сайловларга муносабатини ўзгартирди. Бундан ташқари,

туман шифохонасида ҳам беморлар учун сайлов қўтилари ташкил қилиниб, улар ҳам ўзлари танлаган номзодларни ёқлашди. Мени хурсанд қилгани, аҳолининг депутатларга нисбатан ишонсизлик кайфияти ўзгариб, ижобий тарафга бурилаётгани, эртанги кунининг бугунгидан-да ёруғроқ келишига ишончининг ортаётганидир.

Акматав АБДИЕВ ёзиб олди.



Фарғона вилояти

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

Муштарийбону илк марта сайловда иштирок этди



Фурқат тумани «Шойимбек» МФЙда яшовчи Муштарийбону Қодирова бу йил сайловларда илк марта иштирок этди. Тумандаги 22-умумий ўрта

таълим мактабида ташкил этилган 866-сайлов участкасига эрта тонгдан оқ бориб, ўзи муносиб деб билган номзодларга овоз берди.

— Бу кунларни интиқлик билан кутганим, — дейди М.Қодирова. — Чунки сайловда биринчи марта овоз беришим керак эди. Ҳозир ҳаяжоним ҳад-

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

АҲИЛЛИК ВА БИРДАМЛИК БИЛАН

«Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашиларга ўтказилаётган сайлов жараёнида қорақалпоғистонликлар аҳиллик ва бирдамлик билан қатнашди.

— Мамлакатимизнинг келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимиз эртанги кунимиз учун овоз беришда фаол иштирок этди, — дейди Хўжайли туманида жойлашган 520-сайлов участкаси раиси Шарпадин Пирлеспесов.

— Қўбланов кўчасида истиқомат қиладиган 83 ёшли онахон Мария Калиничова биринчилардан бўлиб участкасига кириб келди, — дейди Тахиятош туманида жойлашган 427-сайлов участкаси раиси Қуватбой Шаўқулов. — Умуман олганда, бу йилги сайловда фаоллик ва дахлдорлик туйғуси кучайгани намоён бўлди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «ISHONCH»





Саноат

Олмалик кон-металлургия комбинати:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ РАНГИН ЖИЛОЛАРИ

Ўзбекистонимиз тараққиётининг янги босқичида саноат ва иқтисодий салоҳиятни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бу жараёнда иқтисодиётимизнинг лоқомоти ҳисобланган Олмалик кон-металлургия комбинатининг ҳам салмоқли ўрни бор.

Яқинда ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаган комбинат олтин, мис, қумуш каби рангли металл қазиб олиш ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда етакчи корхоналардан бири ҳисобланади.

Комбинатда 40 дан зиёд миллат вакиллари, жами 35 мингдан зиёд кончи-металлург меҳнат қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган олтин ва қумуш Лондон қимматбаҳо металл биржасининг сифат белгисига, яъни «Яхши етказиб берувчи» мақомига эга. Мис ишлаб чиқариш жараёнида ҳам сифат тизими жорий этилиб, Халқаро мувофиқлик сертификати олиниган.

2018 йил июль ойида «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида муҳим ўзгариш юз берди. У давлат тасарруфида қолдирилган ҳолда, «SFI Management Group»нинг ишончли бошқарувига топширилди. Шундан сўнг комбинат фаолиятини ривожлантириш, рангли металл қазиб олиш кўрсаткичини янада кўтариш мақсадида кончилар ва қимматбаҳо металл қазиб олиш соҳасининг етук олимлари иштирокида экспорт гуруҳи ташкил этилди. Улар Олмалик кон-металлургия комбинатини тубдан модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқариш, маъмурият ва қайта ишлашга илгор хорижий тажрибани жорий қилиш кўзда тутилган.

16 ДАВЛАТГА 17 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ

Улкан мажмуанинг кўп миллатли ва аҳил жамоаси республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани бағоят қадридлидир.

Комбинатнинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 45 та тармоқ бўлимларида тажрибали кончилар қаторида минглаб

ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда. 17 хил турдаги маҳсулотлар дунёнинг 16 давлатига экспортга жўнатилаётган.

— 2023 йилгача йиллик маъдан қазиб олиш ҳажмини 40 миллион тоннадан 100 миллион тоннагача, катодли мис ишлаб чиқаришни 106 минг тоннадан 250 минг тоннагача, рух метали ишлаб чиқаришни 68 минг тоннадан 120 минг тоннагача етказишни режалаштирганмиз, — дейди «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг бошқарув раиси Абдулла Хурсанов. — Афинажланган олтинни 14,6 тоннадан 30 тоннагача, афинажланган қумушни 98,6 тоннадан 215 тоннагача кўпайтиришга бел боғлаганмиз. Шунингдек, 3-сонли мис бойитиш фабрикаси, 5- ва 6-сонли олтин-гургурт кислотаси цехлари, янги Ванноков печи, анодли печнинг кислоталар блокли, мис эритиш заводида мисни электролиз қилиш цехи қурилди.

Ушбу цех ва заводларимиз ишга тушгач, яна минглаб ёшларимиз иш билан таъминланади. Айни пайтда эса кўп миң кишилик жамоанинг аҳил ва уюшқоқликдаги меҳнати вазифага барча прогноз кўрсаткичлари ортири билан бажарилди. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш сезиларли даражада оширилди, ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131,5 фоизни ташкил қилди.

Дарвоқе, бу йил комбинатда бир қанча тарихий рекордлар ўрнатилди. 16 сентябрга қадар Мис эритиш заводида 100 минг тонна катод мис ишлаб чиқарилди. Комбинат тарихида ҳали бундай натижа қайд этилмаган! Экспорт кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

ХОДИМЛАРНИ РУҲЛАНТИРГАН ЭЪТИБОР

Комбинат ташкил топганининг кўпми 70 йиллик санаси муносабати билан давлатимиз раҳбари Олмалик кон-металлургия комбинати жамоасига табрик йўллагани ва бир гуруҳ ишчи-хизматчилар энг нуфузли давлат мукофотлари ва орденлари билан тақдирланганидан хабарингиз бор, албатта.

— 30 йилдан буён шу даргоҳда меҳнат қиламан. Аммо кеча билан бугунни асло таққослаб бўлмайди, — дейди «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, комбинатнинг 2-мис бойитиш фабрикаси директори Ҳасан Мираҳмедов. — Дастлаб оддий ишчи, кейинчалик конвейер машинисти, технология устаси, бўлим бошлиғи вазифаларида ишладим. Илгари ишчилар учун яратилган шароитлар қониқарли даражада эмас эди. Техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам амал қилинамасди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳозирги пайтда комбинатнинг 35 минг нафардан зиёд ишчи-ходими нафақат юртимиз, балки

фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқариш фахрийларини қўллаб-қувватлаш, Олмалик шахрини ободонлаштириш, ҳудуддаги аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун керакли шарт-шароитларни яратишдек улкан мақсадларни кўзлаган. Зеро, давр одамларни эртага эмас, бугун рози қилишга эришиш вазифасини қўяётган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

мой ҳимоя қилиш доимий эътиборда. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, соғлигини тиклаш, дам олиш, моддий жиҳатдан кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири, — дейди корхона бошқарув раисининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Улуғбек Фаёзов. — Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари, 9 май арафасида Пул мукофотлари, меҳнат фахрийларига эса йилига моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

ҲАВАСГА АРЗИГУЛИК ФАОЛИЯТ

Комбинатда кучли ижтимоий инфра-тузилма шаклланган. Хусусан, Олмалик шахридаги 16 та мактабгача таълим муассасаси, иккита стадионга эга йирик спорт мажмуалари, «Металлург» маданият саройи, аквапарк, «Нуроний» пенсионерлар уйи, «Баҳор» меҳмонхонаси ва унинг филиаллари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, корхона тасарруфида бир нечта дам олиш жойлари ва пансионатлар, бешта болалар оромгоҳлари мавжуд.

— Комбинатда ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандлари, шунингдек, меҳнат ва Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини ижти-

хориждаги дам олиш масканларига бориш имкониятига эга. Кўп йиллардан буён илгор ишчи-ходимлар Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги санаторий ва курортларда мароқли дам олиш имконига эга бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, комбинат мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик ва Муруват уйларига беғараз ёрдам бериб келмоқда. Унинг ҳисобида 300 тадан ортиқ уй ва учта ётоқхона мавжуд. Жорий йилда корхона ҳисобидан барпо этилган 10 та етти қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бу кўплаб оилаларга катта шодибона олиб кирди.

Кўп тармоқли болалар шаҳар касалхоналари, туғуруқ комплекси қайта қурилди, учта оилавий поликлиника капитал таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Комбинатда кейинги йил учун мўлжалланган ижтимоий лойиҳалар бўйича маҳсул дастур ишлаб чиқиш ва уни ўз вақтида ижро этиш аниқлашга айланган. Бу таълим ва соғлиқни сақлаш, ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим соҳаларни қамраб олаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, комбинат жамоаси бугун ўз олдига нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига муҳим ҳисса қўшиш вазифасини қўйган, балки ишчи-ходимлар



Зебо НАМАЗОВА,
«Ishonch»

Қашқадарё вилояти



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташиқлотчиси Исмаил Очиллов эзгу мақсад билан олға интилаётган, ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга муносиб замондошларимиздан.

меҳнат қилган Исмаил Очилловнинг ўз тақдирини касба уюшмалари билан боғлаганига ҳам 15 йилга яқинлашиб қолди.

— Мен Исмаил Очилловни иш бошлаган дастлабки пайтлариданоқ яхши биламан, — дейди Қашқадарё вилояти касба уюшма ташиқлотлари бирлашмаси кенгаши раиси

асарлари яратилди. Исмаил Очиллов қаламига мансуб бўлган мазкур асарларда Қашқадарё вилояти касба уюшма ташиқлотларининг тарихи ва бугунги фаолияти ёритилган. Жумладан, «Халқ хизматида» асарида касба уюшмалари соҳасида меҳнат қилган фахрийлар, эл-юрт ўртасида катта ҳурмат қозонган етакчилар ва уларнинг ибратли ишлари, ҳаёт йўли, тажрибалари баён этилган.

Китобхон асарни ўқиш жараёнида вилоят касба уюшма таш-

килотлари мактабининг ўтмиши, бугунги кунини, йиллар давомида шаклланган анъаналари, бу мактабининг эл-юрт тараққиётига катта ҳисса қўшган фахрийлари ва фаолларининг тажрибалари, соҳанинг кўпқиррали фаолияти билан танишади, амалга оширилаётган савобли ишлардан баҳраманд

қилиш, ишлаб чиқариш фахрийларини қўллаб-қувватлаш, Олмалик шахрини ободонлаштириш, ҳудуддаги аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун керакли шарт-шароитларни яратишдек улкан мақсадларни кўзлаган. Зеро, давр одамларни эртага эмас, бугун рози қилишга эришиш вазифасини қўяётган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лигини англаган Исмаил Очилловда хайрли тадбирлар ҳақида рисола-лар, публицистик асарлар яратиш истаги туғилди. Шундан сўнг қисқа вақт ичида «Қашқадарё касба уюшмалари истиқлол йилларида» китоб альбому, «Касба уюшмалари — қувонч ва ташвишлар». «Халқ хизматида»

қилиш, ўзлаштириш, амал қилиш зарур. Миллий ғоя мақсадларига эришиш учун унинг йўлида учрайдиган барча тўсиқларни биргаликда олиб ташлаш, барча муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб енгиб ўтиш, вазифаларни ҳамкорликда бажариб бориш тақозо қилинади. Зеро, куч — бирликда, куч — адолатда.

Шу маънода, янгиланаётган миллий ғоя таркибига «Ижтимоий фаоллик ва дахлдорлик», «Масъуллиқ ва фидойилиқ» каби тушунчаларни ҳам алоҳида қамраб олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу жиҳатлар тақомиллашганда миллий ғоядан кўзланган мақсадлар янада самарали ечим топади. Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига эришиш имконияти янада кенгайди.

Фаруза АЗИМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Замон билан ҳамнафас бўлиш зарур

Бугун тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган Ўзбекистон ўз ривожланиш ғоясини янгилamoқда, тақомиллаштирmoқда. «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси» ана шу жараёнга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат бўлиши даркор.

Умумхалқ муҳокамага қўйилган концепция лойиҳасида илгари сурилган «Ягона Ватан туйғуси», «Адолат — қонун устуворлигида», «Халқ розилиги», «Жаҳолатга қарши маърифат», «Инновацион тараққиёт» каби улғувор ғоялар бугуннинг долзарб жараёнлари, асосий муаммоларини тўла қамраб олгани билан характерлидир.

«Ягона Ватан туйғуси» ғояси жамиятда Ватан тушунчаси устуворлигини таъминлайди, аҳоли ва ёшларга инсон қаерда яшамасин, унинг учун ота-болалари, ўзи туғилиб ўсган она замини ягона ва муқаддас бўлиб қолиши кераклигини уқтиради.

Концепция лойиҳасидаги «Адолат — қонун устуворлигида» ғояси халқ манфаатларини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

Янгиланаётган миллий ғояда «Халқ розилиги»нинг илгари сурилиши ҳам бугун юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқни рози қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқнинг розилигини олиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мақсадга айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.

Ҳар қандай ғоя ҳам давр билан ҳамнафас яралади, яшайди, ўзгаради. Илм-фан, техника ривожига барча соҳага бирдай таъсир ўтказиб бормоқда. Шу маънода, давр биздан «Инновацион тараққиёт»ни талаб қилмоқда. Яъники, янгича руҳдаги, янгиланган тараққиёт, жадал ислохотларни. Хорижий ва миллий тажрибага таянган илгор инновацион ғоялар билан-гина дадил ривожланиш мумкинлигини таъкидламоқда. Шу боисдан ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишдаги ҳар бир мутарини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

Янгиланаётган миллий ғояда «Халқ розилиги»нинг илгари сурилиши ҳам бугун юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқни рози қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқнинг розилигини олиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мақсадга айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.

Ҳар қандай ғоя ҳам давр билан ҳамнафас яралади, яшайди, ўзгаради. Илм-фан, техника ривожига барча соҳага бирдай таъсир ўтказиб бормоқда. Шу маънода, давр биздан «Инновацион тараққиёт»ни талаб қилмоқда. Яъники, янгича руҳдаги, янгиланган тараққиёт, жадал ислохотларни. Хорижий ва миллий тажрибага таянган илгор инновацион ғоялар билан-гина дадил ривожланиш мумкинлигини таъкидламоқда. Шу боисдан ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишдаги ҳар бир мутарини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.

Ҳар қандай ғоя ҳам давр билан ҳамнафас яралади, яшайди, ўзгаради. Илм-фан, техника ривожига барча соҳага бирдай таъсир ўтказиб бормоқда. Шу маънода, давр биздан «Инновацион тараққиёт»ни талаб қилмоқда. Яъники, янгича руҳдаги, янгиланган тараққиёт, жадал ислохотларни. Хорижий ва миллий тажрибага таянган илгор инновацион ғоялар билан-гина дадил ривожланиш мумкинлигини таъкидламоқда. Шу боисдан ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишдаги ҳар бир мутарини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

Янгиланаётган миллий ғояда «Халқ розилиги»нинг илгари сурилиши ҳам бугун юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқни рози қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқнинг розилигини олиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мақсадга айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.

Ҳар қандай ғоя ҳам давр билан ҳамнафас яралади, яшайди, ўзгаради. Илм-фан, техника ривожига барча соҳага бирдай таъсир ўтказиб бормоқда. Шу маънода, давр биздан «Инновацион тараққиёт»ни талаб қилмоқда. Яъники, янгича руҳдаги, янгиланган тараққиёт, жадал ислохотларни. Хорижий ва миллий тажрибага таянган илгор инновацион ғоялар билан-гина дадил ривожланиш мумкинлигини таъкидламоқда. Шу боисдан ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишдаги ҳар бир мутарини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

Янгиланаётган миллий ғояда «Халқ розилиги»нинг илгари сурилиши ҳам бугун юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқни рози қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқнинг розилигини олиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мақсадга айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.

Ҳар қандай ғоя ҳам давр билан ҳамнафас яралади, яшайди, ўзгаради. Илм-фан, техника ривожига барча соҳага бирдай таъсир ўтказиб бормоқда. Шу маънода, давр биздан «Инновацион тараққиёт»ни талаб қилмоқда. Яъники, янгича руҳдаги, янгиланган тараққиёт, жадал ислохотларни. Хорижий ва миллий тажрибага таянган илгор инновацион ғоялар билан-гина дадил ривожланиш мумкинлигини таъкидламоқда. Шу боисдан ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишдаги ҳар бир мутарини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар қандай қонун, ҳуқуқий ҳужжат, аввало, халқ учун, жамият раванқи учун ишлаб чиқилади. Қонунлар устувор бўлган, қонуний талаб ва меъёрларга қатъий амал қилинадиган давлатда, албатта, адолат ҳукм суради, барча тенг манфаатдор бўлади.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил ушбу ғоянинг асосини ташкил қилади.

Янгиланаётган миллий ғояда «Халқ розилиги»нинг илгари сурилиши ҳам бугун юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқни рози қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқнинг розилигини олиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш бош мақсадга айлангани ҳам бежиз эмас.

Бугун бутун инсониятнинг маърифатга эҳтиёжи борган сайин ортиб бормоқда. Зотан, маърифатсиз келажақ йўқ, маърифатсиз тараққиёт йўқ, маърифатсиз саодат йўқ! Улуғ аллолардан мерос ушбу улғувор ғоя бугун замонавий руҳда бўй кўрсатмоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси барча юртдошларимизни Ўзбекистоннинг бой маънавий-маърифий меросидан унумли баҳраманд бўлишга ундайди, замонавий би-

лими пухта ўзлаштиришга чорлайди, диний, илмий, адабий манбалардан оқилona фойдаланишга ўргатади, шахнинг интеллектуал ривожини таъминлайди.



Ички туризм

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Ички туризмни ривожлантириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун тарихий шаҳарлар ва обидалар, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этиш борасида касба уюшмалари қатор ишларни амалга оширмақда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан уюштирилётган саёҳатларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё, Андижон ва Наманган вилоятларидаги тармоқ корхоналари ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзоларининг 95 нафари иштирок этди. Сайёҳлар кўҳна Урганч ва Хива шаҳарларининг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари ҳамда кейинги йилларда барпо этилган замонавий иншоотлар билан танишдилар.

Касба уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда жамоа шартномалари орқали амалга оширилаётган саёҳатлар пировард натижада барча-барчага кўтаринки руҳ бағишлаб, иш унумдорлиги ортисига хизмат қилмоқда.

Янги йил байрамида тарихий шаҳарлар ҳамда ўз худудларидаги диққатга сазовор қадимжоларга саёҳатлар ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

Хуршида РАШИДОВА,

Ўзбекистон энергетика ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси

КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги – 2020 йил билан

самимий муборакбод этади!

Шу қутлуғ кунларда тилагимиз – юксак мақсадларга йўғрилган ғоялар ижобатини кўриш ҳар биримизга насиб этсин!

Оилаларимизда бахтиёрлик, юртимизда қут-барака, Ватанимиз сарҳадларида хотиржамлик, тинчлик-осойишталик абадий бўлсин!

Яхши ниятлар билан бошлаган ишларимиз бароридан келсин!

Байрам муборак бўлсин!



Халқ Банки

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси барчангизни кириб келаётган янги –

2020 йил

билан чин дилдан табриклайди!

Янги йилда оилангизга тинчлик ва фаровонлик, дастурхонингизга барака, ишларингизга муваффақият тилайди!

Халқ банки Янги йил муносабати билан қуйидаги янги банк хизматларини таклиф қилади:



«РЕЖАЛИ ТҮЛОВ» КАРТАСИ:
сиз ушбу хизмат тури орқали 12 ойга фойдаланиш қарз бериладиган режали түлов картасидан фойдаланишингиз мумкин.



«UZRAY» ХИЗМАТИ:
миллий валютадаги пулларингизни Ўзбекистоннинг исталган ҳудудига юборинг.



«КОБЕЙДЖ» КАРТАСИ:
ушбу карта орқали миллий валютадаги пул операцияларини қулай амалга оширинг.



«ПЕНСИЯ ОВЕРДРАФТ» КАРТАСИ:
пенсия ва нафақа олувчилар, мазнун имтиёзли карталардан эҳтиёжларингиз учун фойдаланинг.

Банк хизматлари сиз учун!

ХАЛҚ БАНКИ – ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ КАФОЛАТИ

Яқинлашиб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Қўшрабўт тумани кенгаши жамоаси



барча юртдошларимизни ва ўз аъзоларини Янги йил байрами билан самимий қутлайди!

Барчангизга бахт-у саодат ва соғлиқ-саломатлик тилайди.

Орзуларингиз ушалсин, омад Сизларни асло тарк этмасин!



Янги йил ажойиб янгиликлар йили бўлсин!

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xattlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси навишланган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Наханов
Муссаҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужаллилов

ЎзА яқуни — **23:10**
Тошхирлиди — **00:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Ғ — 1217.
27516 нускада босилди.
Навр кўрсаткичи: **133**